

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
4-aprel
SHANBA
№ 27 (13888)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ТАШАББУС ВА ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Тошкент вилоят-ти ҳокимлигида “Пайшанба – Ёшлар куни” муносабати билан вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ёшларнинг стартап ва инновацион ғояларига бағишланган муҳим учрашув бўлиб ўтди.



▼ Пайшанба – Ёшлар куни

Ёшлар томонидан илгари сурилаётган истиқболли лойиҳаларни тинглаш, уларни қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этиш ҳамда ташаббускор ёшларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган мулоқотда вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳокимлари, банк тизими вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда тегишли соҳа мутасаддилари иштирок этишди.

Очiq мулоқот шаклида ташкил этилган учрашувда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 50 нафар ташаббускор ёш ўз стартап лойиҳалари ва инновацион таклифларини тақдим этди. Ҳар бир лойиҳа ёшларнинг янгича фикрлаши, ташаббускорлиги ва худудларни ривожлантиришга бўлган интилишини яққол намоён қилди. Айниқса, янги иш ўринлари яратиш, хизматлар сифатини ошириш, маҳаллий имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътибор марказида бўлди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қайси мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётининг энг асосий шарт ва гаровидир. Бу ҳал қилувчи омиллар давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, халқнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг барча манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бизнинг миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз оруз-умидларининг рўйи бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги ғояларининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини ўзида мужассам этган янги тахрирдаги Конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон қадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, минтақада яхши кўшничиликни ривожлантириш ҳамда Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини оширишда мустаҳкам таянч бўлиб келмоқда.

Миллий истиқлолимизнинг давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Қўйидагилар:

(а) “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ғоявий-бадий концепция ва дастур 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):

(а) мустақиллигининг 35 йиллигини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида, барча маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, вазирилик ва идоралар тизимида муносиб нишонлаш мақсадида концепциянинг мазмуни ва асосий йўналишларига мувофиқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишни таъминлаш.

Бунда қўйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш:

(i) Янги Ўзбекистондаги амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юзага келган улкан имконият ва ютуқларни кенг ёритиш;

(ii) мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда жадал ривожланиб бораётганлиги натижасида фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бораётганлигини кўрсатиб бериш;

(iii) юртимизнинг тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ёритиш;

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ViLOYAT bo'ylab

“Imkoniyat” jamoat birlashmasining Toshkent viloyati bo'limi tomonidan OIV bilan kasallangan fuqarolarga birlamchi tibbiy vositalar yetkazib berildi. Mazkur xayrli tadbir Oliy Majlis huzuridagi Jamoat fondi hamda “Yuksalish” umummilliy harakatining hududiy bo'linmalari hamkorligida tashkil etildi. Ushbu amaliyot ijtimoiy ko'mak tizimida nodavlat notijorat tashkilotlarining davlat bilan hamkorlikdagi ishtirokini yanada kuchaytirishga xizmat qiladi.

Viloyat hokimligida Toshkent harbiy okrugi sayyor Harbiy kengashining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda “Bir million dasturchi” hamda “Besh million sun'iy intellekt yetakchisi” dasturlari doirasida 5 ming nafar harbiy xizmatchini zamonaviy axborot texnologiyalari va sun'iy intellekt yo'nalishlarida o'qitishni tashkil etish masalasiga alohida e'tibor qaratildi.

Viloyat Bojxona boshqarmasi bog'ida “Payshanba – yoshlar kuni” munosabati bilan maktab o'quvchilari ishtirokida yoshlar o'rtasida ekologik madaniyatni shakllantirish maqsadida ko'chat ekish tadbiri tashkil etildi. Tadbirda boshqarma binosi atrofiga 1 ming 500 ta mevali va 2 mingta manzarali daraxt ko'chatlari ekildi.

Respublika idoralararo muvofiqlashtiruvchi shtab tomonidan mahalla yettilligining faoliyati Olmaliq shahri-ning “Kimyogar” mahallasi misolida ko'rib chiqildi. Jarayonda ko'chalarda videokuzatuv tizimlarini keng joriy etish, tashqi yoritish infratuzilmasini yaxshilash hamda “Raqamli mahalla” platformasi orqali profilaktika ishlarini kuchaytirish, shuningdek, ilg'or tajribalarni ommalash-tirish mahallalarni jinoyatdan holi hududga aylantirishda asosiy omil ekanligi tahlil qilindi.

Бир маҳалла – бир маҳсулот

Мамлакатимизда аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, улар орқали оилалар даромадини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

▼ **Томорқачилик**

Томорқа ер эгаларига имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш, агротехник маслаҳатлар бериш, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларни сотишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш каби чора-тадбирлар қамрови тобора кенгаймоқда. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, қў-

шимча даромад манбаларини яратиш ва ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан бойитишда муҳим омил бўлмоқда. Айни кунларда Тошкент вилоятидаги 449,7 мингга хонадон томорқаларида баҳорги мавсумнинг ўзида 32 минг 371 гектар ер майдонида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили



асосида сердаромад қишлоқ хўжалиги экинлари экиш давом этмоқда. Бу борада худудларнинг иқлим хусусиятидан келиб чиқиб, 31 минг гектар ерга сабзавот, 427 гектарга полиз экинлари, 3 минг гектарга картошка,

2 минг гектарга дуккакли, 20 гектарга озқабоб, 114 гектарга мойли, 425 гектарга резавор ва 202 гектарга эса бошқа турдаги экинлар экилиши белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ТАШАББУС ВА ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Тадбир давомида ёшлар ўз лойиҳаларининг мақсади, иқтисодий самарадорлиги, амалий аҳамияти ва бозор талабига мослиги ҳақида батафсил маълумот беришди. Банк тизими вакиллари эса ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит ва имтиёзли маблағлар ажратиш ҳамда уларни амалий босқичга олиб чиқиш механизмлари

Мулоқотда Паркент туманидан келган Астрахань давлат университетининг 3-босқич талабаси Севара Ортиқхўжаева томонидан тақдим этилган "Табиий тери" номли лойиҳа кактус ўсимлигидан кийим-кечак ва пойабзал саноти учун муқобил тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилгани билан барчанинг эътиборини тортди.



ташаббусни юқори баҳолаб, уни амалиётга жорий этиш бўйича аниқ таклифларни илгари сурди. Хусусан, лойиҳа учун АҚШнинг Калифорния штатида етиштирилаётган кактус турлари-

сўнгра ишлаб чиқаришнинг технология жараёнларини пухта ўзлаштириш зарурлигини қайд этди.

Учрашув якунида Зойир Мирзаев ҳар бир лойиҳа ва истиқболли ташаббусларни



юзасидан ўз таклифларини билдиришди. Шунингдек, учрашувда олий таълим муассасалари раҳбарлари илмий ёндашув, замонавий билим ва амалий тажрибани уйғунлаштириш орқали ёшларнинг ғояларини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ёш тадбиркорнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳа экологик тоза хом ашё асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратиш ҳамда маҳаллий бозорда рақобатни кучайтириш имконини беради. Лойиҳа учун дастлабки босқичда 60 миллион сўм миқдорда инвестиция кераклиги айтилди. Вилоят ҳокими мазкур

ни мамлакатимизга олиб кириш масаласида ёрдам кўрсатилиши, бунинг учун эса Ўзбекистоннинг Америкадаги элчихонаси билан ҳамкорлик ўрнатилиши таъкидланди.

Шунингдек, вилоят раҳбари ушбу йўналишда ишларни босқичма-босқич йўлга қўйиш, аввало уруғларни маҳаллий шароитга мослаштириб етиштириш,

қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнес ғояларини рўёбга чиқариш, ҳудудлар кесимида манзилли ишлаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан мутахассисларга тегишли топшириқлар берди.

Ўқир ХОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Ёшлар – келажакимиз бунёдкори

Тошкент давлат аграр университетиде бўлиб ўтган "Раҳбар ва ёшлар" учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги вакиллари иштирок этишди. Унда ёшларнинг муаммо ва таклифлари муҳокама қилиниб, эркин ва самимий мулоқот муҳити яратилди. Эътиборлиси, учрашув расмийликдан ҳоли тарзда ўтди.

Шу кун университет ҳудудидаги "Ренеесанс" мажмуасида 50 дан ортиқ стартап ва инновацион лойиҳалар тақдим этилди. Агро-технологиялар, рақамли ечимлар, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби йўналишлардаги ишланмалар ёшларнинг фикрлаш доираси кенгайиб бораётганини кўрсатди. Мутахассислар томонидан лойиҳалар атрофида таҳлил қилиниб, уларни амалиётга жорий этиш, инвестиция жалб қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлаш юзасидан аниқ tavsiyalar берилди.

Шунингдек, учрашувда ёшлар бандлигини таъминлаш масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Янги ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" доирасида талабалар агро-дронлар, гидронавтика ва рақамли агрономия каби замонавий ва талаб юқори бўлган касбларга йўнал-

тирилмоқда. Бу уларни нафақат иш билан таъминлаш, балки келажак касблари мутахассислари сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Қайд этилганидек, университетнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳам мустақамланмоқда. Хусусан, "Agrotech klaster", "Тошкент трактор заводи" ҳамда "Safa Cafe-Bakery" корхоналари билан ҳамкорлик талабаларга назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Учрашувда ёшлар ўртасида ҳуқуқбозликларнинг олдини олиш, уларни мазмунли ҳаёт тарзига йўналтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. "Қалқон" жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини

кучайтириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Муҳими, учрашувда раҳбарлар ва ёшлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, ўз таклифларини билдиришди. Фаол ва иқтидорли талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



"Rahbar va yoshlar" uchrashuvi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

(iv) истиқлол туфайли миллий қадриятлар, давлатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар аҳамиятини таъкидлаш;

(v) нурунийлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини таъминлашга, ёшларнинг "Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари" сифатида билим ва касб эгаллашлари, тадбиркорлик ташаббуслари ва истеъдодларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилганлиги урғу қаратиш;

(vi) миллатлараро дўстлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш ва кучайтиришни барча фуқароларнинг муқаддас бурчи сифатида тарғиб қилиш;

(vii) байрам тадбирларига барча ёшлар, ижтимоий ва этник гуруҳлар ҳамда ватандошларнинг фаол жалб этилишини таъминлаш;

(б) илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат номандалари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари билан иборат бадий-ижодий гуруҳлар тузиш ҳамда улар иштирокида апрель – сентябрь ойлари давомида республика бўйлаб кенг қўламадаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган "Мустақиллик тўйи" (фестивали) тадбирларини ўтказиш;

(в) Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирини тайёргарлик кўришда таниқли сценарист ва режиссёрлар, шоир ва ёзувчилар, хонанд ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочиларни жалб этиш;

(г) мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг йирик санъат, маданият, таълим ва спорт муассасаларининг тантанали очилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки, Маданият вазирлиги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади.

4. Бадий академия, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил 1 июнга қадар миллий мустақиллик ва суверенитет ғояларини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қилёқасини ўзида акс эттирган "Ватан фидойилари" рамзий монументининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ушбу монумент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда 2026–2030 йилларда барпо этилаётган умуммиллий бирдамлик боғларининг марказий қисмида ўрнатилиши ҳисобга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази Янги Ўзбекистон тараққиёти тадқиқотлари институти, "Оқсалиш" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан биргаликда 2026 йил 1 августга қадар ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган "Мустақиллик зафарномаси" махсус китоб-альбомини тайёрласин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил апрель ойдан ижтимоий тармоқларда #Mustaqillik35, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

#Uzb35 ҳештеглари остида тарғибот акцияларини (флешмоблар, подкастлар, викторина ва бошқалар) бошласин.

7. Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси 2026 йил апрель ойдан бошлаб "35 йиллик Истиқлол йилномаси" рунида мустақиллигимизнинг тарихий босқичлари, эришилган ютуқлар ва бунёдкорлик ишларини ёритувчи туркум ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар тайёрлаш ва телеканалларда намойиш этилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Адлия вазирлиги ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг 2026 йил август ойида Тошкент шаҳрида "Мустақил Ўзбекистон – 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита "Ватандошлар" жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2026 йил август–сентябрь ойларида хориждаги ватандошлар ва Ўзбек диаспораси вакиллари иштирокида "Мустақил Ўзбекистон – ғурурим, ифтихорим" шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этсин.

10. Марказий банк 2026 йил 1 сентябрга қадар "Мустақилликнинг 35 йиллиги" эсдалик олтин тангасини зарб этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Транспорт вазирлиги 2026 йил 1 майга қадар тегишлича янги ташкил этилган маҳаллалардан ҳамда темир йўл станцияларидан бирига "Мустақилликнинг 35 йиллиги" номини бериш бўйича таклифларни киритсин.

12. Белгилансинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда хомийлик маблағлари ҳисобидан;

(б) Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улашларда молиялаштирилади.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлигига юртимиз мустақиллиги, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли ва халқимизнинг бирдамлиги ҳақида туркум материаллар тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилсин.

14. Республика комиссияси мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш, зарур ҳолларда, қўшимча чора-тадбирлар кўришни таъминласин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Жорий йилнинг март ойида томорқа ер майдонларининг 78 фоизига қишлоқ хўжалиги экинлари экиб бўлинди. Ушбу жараёнлар маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан "online mahalla" электрон платформа орқали назорат қилиниб, доимий равишда маълумотлар киритиб борилмақда. Масалан, Чиноз туманининг "Бирлик", Бекобод туманининг "Фарҳод", "Беҳшоз", "Боғшамол", "Маллабой", "Мустиқиллик" ва "Назарбой" маҳаллаларидаги томорқаларнинг қарийб 80 фоизига иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, уларнинг 90 фоизига турли сабзаётлар экилган.

– Бу ишларни янада кучайтириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 майдаги "Деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ грант ва субсидия маблағлари ажратилди, – дейди вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Зибедбек Йўлдашов. – Шунингдек, "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида 73 та иختисослашган маҳалла мисолида сердармад ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилди. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Роватак" маҳалласи лимончиликка, Ангрэн шаҳридаги "Хаккарман" ва "Янги Жигаристон" маҳаллалари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бир маҳалла – бир маҳсулот

қулупнайчиликка, Чиноз туманидаги "Бирлик" маҳалласи эса кўчатчиликка иختисослаштирилган. Шу билан бирга, 653 та маҳаллани "Agro Star" МЧЖга бириктириш орқали уларнинг иختисослашувини кенгайтириш вазибалари белгиланган.

Аҳолини томорқадан самарали фойдаланиш ва сердармад экинлар экишга янада жалб этиш мақсадида вилоят бўйича мунтазам равишда ўқув-семинарлар ҳам ташкил этилмақда. Хусусан, Янгийўл туманида ўтказилган тадбирда Янгийўл шаҳри, Зангиота, Пискент, Чиноз ва Куйи Чирчиқ туманларидан масъуллар иштирок этишди. Улар "Бунёдкор" маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган 4 гектарлик замонавий иссиқхона комплекси билан танишдилар.

Шунингдек, семинар давомида ҳудуддаги қатор намунавий хонадонлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Жумладан, 5 сотих томорқасидан самарали фойдаланаётган Назар Алиевнинг фаолияти, "Yangiyul" – Agro Star" МЧЖ томонидан барпо этилган иссиқхоналар, хусусан, Баҳодир Саидқармоновнинг 5 сотих, Саидқамал Алиевнинг 4 сотих

ер майдонида иссиқхоналари аҳоли даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда йил давомида узлуксиз маҳсулот етиштиришда бошқаларга ўрнак бўлмақда. Айниқса, "Халқобод" маҳалласида ташкил этилган "Томорқа мактаби" аҳолига томорқани юртиши бўйича амалий кўникмалар беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, "Тошкент вилояти тажрибаси" асосида ҳар бир ҳудудга махсус автомобиллар бириктирилиб, аҳолига сифатли уруғ, сертифициланган кўчатлар, минерал ўғитлар ва зарур жиҳозлар етказиб берилмақда.

Бука туманида ўтказилган семинарда эса Оққўрғон, Бекобод шаҳри ва туманларидан келган томорқачилар ва ҳоким ёрдамчилари қатнашди. Мазкур туманда 25 минг 76 та томорқали хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 3 минг 518,7 гектарни ташкил этади. Бу майдоннинг 2 минг 38 гектарига сабзаёт, 42,5 гектарига полиз, 356,4 гектарига картошка ва бошқа экинлар экиш режалаштирилган.

– Туман аҳолисининг даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида 2 минг 203,8 гектар



ижара ер майдони ажратилди, – дейди Бука тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғи Сарвархўжа Қўчқорхўжаев. – Унинг 1256,3 гектарига сабзаёт, 66,8 гектарига полиз, 220,4 гектарига картошка ва бошқа экинлар экиш кўзда тутилган. "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий ташаббускори ва экспорттери тумандаги "TNA Agroinvest" МЧЖ ҳисобланади.

Паркент туманида ўтказилган мулоқотларда эса тоғли ҳудудларда резаворчиликни ривожлантиришга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Унда Ангрэн шаҳри, Охангарон, Бўстонлик, Чирчиқ, Қўрай ва Юқори Чирчиқ туманларидан келган томорқачиларга мутахассислар резавор экинларнинг иқтисодий самарадорлиги, иқлим шароитига мослиги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини тушунтирилди.

– Ҳозир резаворчилик йўналишида хориждан келтирилган қулупнай, голу- бика, малина, қорағатта талаб катта, – дейди "Toshkent – Agro Star" МЧЖ раҳбари Ботир Алимбеков. – Улар келч кузгача ҳосил беради. Малина ва қулупнайнинг ҳар бир туғидан ўрта-

ча 1 килограммгача, голу- бикадан эса ёшига қараб 8-9 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Томорқасида ушбу йўналишда иш бошламоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатами. Кўчат экишдан тортиб, ҳосилга киргунга қадар барча жараёнларда мутахассисларимиз иштирок этади.

Туманнинг "Кичикқўрғон" маҳалласида истиқомат қилувчи Мансуровлар oilаси кўп йиллардан бунён кўчатчилик билан шуғулланиб, барқарор даромад манбаини шакллантирган. Улар 20 дан ортиқ турдаги мевали кўчатларни ички бозорга чиқариб, бир мавсумда 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олишмоқда.

Дарҳақиқат, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омили ҳисобланади. Халқимиз "Ер – ҳазина, тупроқ – олтин" деган иборани бежиз айтмаган. Эндиликда томорқасидан оқилона фойдаланган ҳар бир оила ўз даромадини кўпайтириб, фаровон ҳаёт кечирishi мумкин.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Муаллиф олан суратлар

СПОРТ
янгиликлари



АБДУҚОДИР
АНГЛИЯДА ТЕНГСИЗ!

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Англиянинг "Манчестер Сити" клуби ҳимоячиси Абдуқодир Хусанов инглиз клубида "Март ойининг энг яхши футболчиси" деб топилди.



Ҳамюртимиз мазкур соврин учун курашда жамоадошлари – "Олтин тўп" соҳиби Родри ва иктидорли чарм тўп устаси Жереми Докуни орта қолдирди.

Қайд этиш жоиз, мазкур мукофот вакилимиз учун 2026 йилдаги иккинчи соврин ҳисобланади. У жорий йил январь ойида ҳам клубда ойнинг энг яхши футболчиси сифатида тан олинган эди.

Маълумот учун, "Манчестер Сити" 4 апрель кuni Англия кубоги доирасида "Ливерпуль" жамоасига қарши майдонга тушади.

ЖАВОҲИР
СИНДАРОВ
ЕТАКЧИ

Айни кунларда Кипрнинг Пейя шаҳарчаси шахмат бўйича "Номзодлар турнири"га мезбонлик қилмоқда.



Мукофот жамғармаси 1 миллион евро ташкил этувчи мазкур нуфузли турнирда дунёнинг етакчи гроссмейстерлари голиблик учун баҳс олиб боришмоқда. Эътиборлиси, улар орасида амалдаги Жаҳон Кубоги голиби Жавоҳир Синдаров ҳам бор.

Ҳамюртимиз мусобақанинг 4-турида учинчи ғалабасини тантана қилди. Синдаров оқ донларда турнирдаги асосий рақиби, дунёнинг учинчи рақамли шахматчиси америкалик Фабиано Каруана устидан ғалаба қозонди. Мазкур муваффақиятдан сўнг Жавоҳир 4 имкониятдан 3,5 очко тўплаб, турнир жадвалида яқка пешқадам бўлиб олди. Каруана 2,5 очко билан 2-ўринни сақлаб қолди.

ФОМИН ЯРИМ
ФИНАЛДА

Мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Сержей Фомин Хитойнинг Мааншан шаҳрида давом этаётган ITF M25 турнирининг ярим финал иштирокчисига айланди.



Ҳамюртимиз мусобақанинг чорак финали доирасида турнирда учинчи рақам остида таснифланган британиялик Чарльз Брумга қарши баҳс олиб борди. Икки соати 20 дақиқа давом этган учрашувда Фомин уч сет якунига кўра 3/6, 6/3, 6/4 ҳисобларида зафар қучди ва ярим финалга йўл олди.

Энди вакилимиз финал чиптаси учун Хитой Тайпейи вакили Ли Куан-Йига қарши кортга чиқади.


Интернет хабарлари асосида тайёрланди

▼ Саёҳат

Астрахань давлат техника университети Тошкент вилояти филиали талабалари кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

Астрахань талабалари Самарқандда

Университет раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган экскурсиянинг асосий мақсади ёшларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва бетақдор маданияти билан яқиндан таништириш, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, аждодлар меросига нисбатан ғурур туйғусини шакллантириш ва ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашдан



иборат бўлиб, унда 40 нафардан ортиқ талабаларга университетнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳамроҳ бўлишди.

Саёҳат давомида талабалар Самарқанднинг тарихий ва меъморий обидалари – Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи

Зинда ансамбли, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов қабри ва Регистон майдонини зиёрат қилишди. Хар бир масканда улар қадимий меъморчиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, буюк сиймолар ҳақидаги билимларини бойитишди.

Ўз мухбиримиз

▼ Шанба фельетони

Бор экану, йўқ экан, оч экану, тўқ экан. Қадим-қадим замонда, Туябўғиз томонда Айронтепа деган кичкина, лекин тижоратнинг орқасидан халқ фаровон яшайдиган бир мамлакат бўлган экан. Бу юртнинг одамлари киш фасларида Шошдан келган шовшиқларни шашликлари билан, ёз ойларида эса муздеқина айрон билан хайрон қолдириб кун кечирар эканлар.

Айронтепа подшоҳининг яккаю-ягона қизи бор экан. Бу соҳибжамолининг хуснига, одобю ахлоқиға ҳар қандай киши бир қарашда маҳлиё бўлиб қолар экан. Малика ўн саккизга тўлғач, подшо жарчиларга эълон қилишни буюрибди:

– Менга кувё бўлиб, хазинамнинг ярмига эга бўлишни истаганлар қизимнинг учта шартини бажаришлари лозим...
Жарчилар бу эълонни қўшни юртларга ҳам етказишлар. Энди бу ёғини сўрасангиз, Айронтепа қасри томон совчилар оқиб кела бошлабди. Кувёликка номзодлар орасида Туябўғиз денгизининг нариги тарафидаги Мингтепа мамлакатидан бир оддий боғбоннинг боласи ҳам бор экан.
Алпкелбат бу йиғитни кўргач, маликанинг ҳам юраги "жиз" этибди. Аммо сир бой бермай, унга биринчи шартини айтибди:
– Юртингизда гўзал боғлар кўп экан, хавасим келди. Шу боисдин биринчи шартим шулким, менинг

мамлакатимда ҳам шундай узумзорлар яратмоғингиз керак. Ниҳолларни шундай экинги, бир йил ичида беш марта ҳосил берсин...
Ошиқ йиғит севимли ёр учун астойдил тер тўкибди ва кузда маликани янги боғ сайрига таклиф қилиб-

гўзал муомаласидан куч-қувват олган ошиқларнинг сардори Мингтепадаги ҳамма боғларини ва Шош-ситидаги тўртта уйини гаровга қўйиб, "Ер-ёр" банкидан жуда катта кредит олибди-да, қисқа муддатда бу шартни ҳам қўйил қилибди.

елдириб менинг қасримга келишингиз керак...

Йиғит қўлини кўксига қўйиб, қулибди:

– Гўзалим, шартим бажарилди деб ҳисоблайверинг!

Халқ орасида жайдари фалсафа бор: ҳамма вақт ҳам одамнинг айтгани булавермайди, дейишади. Бу гал шунча доводдан ошган, маликанинг буйнига маржон тақшига тайёр турган мингтепалик ошиқнинг ошиги олчи бўлмапти. Йиғит узоқ йиллардан бери бу йўллардан ўтмаган экан. Кўпдан бери таъмир кўрмаган, қор-ёмғирлардан сўнг ҳар уч-тўрт метрда биттадан чуқурлар пайдо бўлган "Тутқатор"да ошиқ йиғитнинг учиб келаётган янги уллови тутдек тўкилибди. Арифметикани яхши биладиганларнинг гапига қараганда, 1127-йилга етганда мошининг битта гилдираги чиқиб кетибдию, чап қаноти катта тутга тақайлибди...
Ушандан бери Чигирик кўргонидида поезд шлагбаумида – тирбандликда соатлаб кутадиغان хайдовчилар ҳам, Айронтепада бирров чанқовбосдиға тўхтайдиганлар ҳам мингтепалик ошиқ ҳақидаги эртаник ўқинч билан эслар, қулоқлари остида эса машҳур ҳофиз Нуриддин Хайдаровнинг қўшиқлари жаранглайверар экан:

– Айрончи қиз, қуйғин қани айрониндан,
Ўргулайин чаккандаги райхониндан...
Тўхтамурод ҲАСАНБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

"АЙРОНЧИ ҚИЗ, ҚУЙГИН ЯНА АЙРОНИНГ ДАН..."



Ёхуд айронлар, вайронлар ва ҳайронлар ҳақида чўпчак

Ошиқ-маъшуклар бу гал янги кўприк устида учрашибдилар. Қиз йиғитга табасум билан билан шундай дебди:
– Азизим, сизни тоқайчидан бошқа нарсани ушламаган йиғит деб уйлаган эрдим. Лекин қўйил қолдим. Энди сўнги – энг осон шарҳи қолди. Шунга ҳам бажарсангиз, мен сизники...

– Айтинг, маликам, осмондаги ойна олиб берайми ёки юлдузлардан буйнингизга маржон тақиб қўяйми? Амрингизга мунтазирман...
– Нурафшон шахрининг кунчиқар томонида Бурғалик деган қишлоқ бор. Шу ердан бизнинг Айронтепада бир неча чакиримлик йўл. Халқ орасида "Тутқатор" деб ном олган шу йўлдан бир неча дақиқада машинани

ди. Шириндан-шакар узумлардан еб, дили қувончага тўлган ойдан-да гўзал қиз иккинчи шартини баён этибди:

– Туйимиз бўлганидан кейин Туябўғиз денгизининг у тарафидан бу тарафига ўтишим учун кўприк керак бўлади. Агар бу юмушни қўйилмақол қилсангиз, бу билан биргина менинг эмас, эл-улуснинг ҳам савобига қола-сиз, мард йиғит...
Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, деганлари рост экан. Гўзал қизнинг

▼ E'lonlar

ВАКАНСИЯ

Тошкент вилояти sanoat zonalarini boshqarish direksiyasi tadbirkorlik subyektlariga nisbatan tayinlangan sud jarayonlarida ishtirok etish maqsadida advokat yoki advokatlik byuroси bilan hamkorlik qilish uchun tanlov e'lon qiladi.

– Hamkorlik yo'nalishi:

- Sud jarayonlarida direksiya manfaatlarini himoya qilish
- Huquqiy xulosalar va maslahatlar berish
- Sud hujjatlarini tayyorlash va yuritish

– Talablar:

- Amaldagi advokatlik litsenziyasiga ega bo'lish
- Fuqarolik, iqtisodiy va ma'muriy sud ishlarida tajriba
- Yuqori darajada mas'uliyat va professional yondashuv

– Hamkorlik shartlari:

- Qo'shimcha shartnoma asosida xizmat ko'rsatish
- To'lov shartlari o'zaro kelishuv asosida belgilanadi

– Hujjatlar ro'yxati:

- Advokatlik litsenziyasi nusxasi
- Rezyume (tajriba va amalga oshirilgan ishlar haqida ma'lumot bilan)

Aloqa uchun telefon: +998 (99) 162-50-05.

Telegram: +998 (88) 016-20-25.

Qiziqish bildirgan advokat va advokatlik byurolari o'z hujjatlarini 2026-yil 30-maygacha taqdim etishlari mumkin.

Ijaraga beruvchi					
Nomi:	Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi Toshkent viloyati hududiy boshqarmasi				
Manzili:	Toshkent viloyati, Nurafshon shahar, Toshkent yo'li ko'chasi, 45-uy				
Tel.(faks) raqami:	+998 77-707-81-01	Elektron pochta manzili:	E-xat.uz:btosf.markaz.toshvil		
Obyektni berish shartlari					
Moddiy madaniy meros obyektlarini va ularga tutash hududlarni obodonlashtirish va zarur holatda saqlash bo'yicha investitsiya majburiyatlarini olib borish					
1-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
2-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
Ijara obyektiga to'g'risidagi ma'lumotlar					
Nomi	Manzili	Balansda saqlovchi tashkilot nomi	Obyektning umumiy maydoni kv.m.	Bino-inshoot maydoni kv.m.	Hozirgi kundagi holati
1-obyekt	Parkent tumani, "Istiqlol" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	5,8	668,72	Ta'mirtalab
2-obyekt	Bo'stonliq tumani, "Sarboj" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	0,25	20	Ta'mirtalab
Restavratsiya-tiklash ishlarini olib borish, uni saqlash, obodonlashtirish va undan foydalanish shartlari					
1-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlarini asosida maxsus litsenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.				
2-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlarini asosida maxsus litsenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.				
Moddiy madaniy meros obyektlari davlat kadastriga kiritilgan kadastr axboroti					
1-obyekt	11:09:07:01:02:2109 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan				
2-obyekt	11:03:10:01:01:7992 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan				
Investitsiya majburiyatlarining eng kam miqdorlari			Obyektni ijaraga olish muddati		
1-obyekt	4 mlrd. so'm		1-obyekt	30 yil	
2-obyekt	1 mlrd. so'm		2-obyekt	30 yil	

Eslatma: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 6-martdagi 53-sonli qaroriga asosan ro'yxatlar ommaviy axborot vositalarida e'lon qilingan kundan boshlab, bir oy (30 kun)

mobaynida talabgorlarning tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinadi. Belgilangan muddat tugaganidan so'ng, talabgorlarning tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinmaydi.

Bundan tashqari e'londa belgilangan muddatda buyurtmanomalar kelib tushmaganda, mazkur obyekt bo'yicha buyurtmanomalar kelgusi davr uchun har o'n kunlik davriylikda qabul qilinadi.

▼ Шахсий фикр

Яқинда Ўзбекистонда концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг янги тартиби жамоатчилик муҳока-масига қўйилгани-ю, шу халқнинг ортидан нон топиб оила боқаётган, кредитга уй ва машина олиб ҳашаматли ҳаётини кўз-кўз қилаётган санъаткорларнинг дод-войларини ҳақида эшитган бўлсангиз керак.

Бугунги кунда даромад топаётган ҳар қандай фуқаро солиқ тўлайди. Ҳатто бозорда арава тортиб, кунлик ризқини топаётган оддий аравкаш ҳам давлат олдидаги мажбуриятини унутмайди. Кимдир озгина даромаддан ҳам солиқ тўлаётган бир пайтда миллионлаб даромад топаётган айрим санъаткорларнинг солиқ масаласи кўтарилиши биланоқ айюҳаннос солиши, албатта, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Баъзи ижодкорлар бу ташаббусга қарши фикр билдириб, санъаткорларнинг ягона даромад манбаи тўй ва концертлар эканини, уларнинг ҳам қарзи, кредити, харажатлари борлигини айтмоқда. Масалан, актёр ва хонанда Самандар Ҳамроқулов бу борада муносабат билдириб, кўпала ижодкорларнинг даромади фақат хизматлар ҳисобидан эканини, ижод маҳсули яратиш учун катта харажат қилинишини таъкидлаган.

Қўшиқчи Шароф Муқимов ҳам сахна орти-

БИЗ "АЙ", УЛАР "БАЙ-БАЙ"МИ?



даги машаққатлар ҳақида гапириб, санъатнинг "ялтироқ эмаслиги", уйқусиз тунлар, хавфли йўллар, узоқ сафарлар, оиладан узоқлик борлигини айтган.

Албатта, ижод қилиш осон эмас. Қўшиқ ёзиш, клип суратга олиш, сафарларга чиқиш, сахна ортидаги меҳнат – буларнинг барчаси харажат ва машаққат талаб қилади. Буни ҳеч

ким инкор этмайди. Бироқ битта муҳим савол бор: харажат ва машаққат фақат санъаткордани борми?

Қайси касбни олманг ўзининг оғирлиги бор. Кимдир аудиторияда асабини йўқотади, кимдир заводда соғлигини, кимдир далада белгини, кимдир ҳужжат орасида умрини, кимдир эса чегара-да жонини хавфга қўйиб хизмат қилади.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Солиқни кўпчилик фақат давлатга тўланадиган маблағ деб тушунади. Аслида эса бу жамиятнинг ўзига қайтадиган, унинг бугуни ва эртаси учун хизмат қиладиган маблағдир.

Демак, масала "ким кўпроқ ишлайди ёки чарчайди?" деган мусобақада эмас. Масала – ким давлат олдидаги мажбуриятини бажаряпти ёки бажармаяпти, шунда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Фуқаролар конун билан белги-ланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт", деб аниқ белгилаб қўйилган. Бу на санъатга қарши чиқиш, на ижодкорни камситиш, на ҳа-сад. Бу – адолат талаби.


Солиқни кўпчилик фақат давлатга тўлана-диган маблағ деб тушунади. Аслида эса бу жамиятнинг ўзига қайтадиган, унинг бугуни ва эртаси учун хизмат қиладиган маблағдир. Мак-таб, боғча, шифохона, йўл, электр тармоқлари, ижтимоий ҳимоя, муҳофафиз тизимлари – булар-нинг барчаси солиқлар эвазига хизмат қилади. Санъаткор – ҳурматли касб эгаси. У халқ-нинг кайфиятини, эстетик дидни шаклланти-ради, маданиятни тарғиб қилади. Аммо бу ҳурмат унга солиқ тўламаслик ҳуқуқини бер-майди.

Бутун дунёда санъаткорлар солиқ тўлайди. Қатор давлатларда сахна ва экран ортидан то-пилган даромад – концерт, реклама, шоу ёки чиқиш ҳақи бўладими – барчаси ҳисоб-китоб қилинади. Айримларида эса ижодкор ва санъ-ат вакиллари учун алоҳида солиқ топшириш тартиблари, ҳатто даромади мавсумий бўл-ган ижодкорлар учун ҳам махсус механизмлар ишлаб чиқилган. Энг муҳими, санъаткорлар жамият олдида бошқалар билан тенг эканини намоён этиш фуқаролик масъулиятининг бир қисми деб тушунилади.

ҚАЛБЛАРГА ЧИРОК ТУТАЁТГАН

«Бугун кўп қалбларга чироқ тутаетиб сенинг имзоингни кўриб қоламан»

Р.ТҲАҚУР



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг фидойи фарзанди Эркин Воҳидов ҳақида кўплаб асарлар, мақолалар ва хотиралар яратилган бўлиб, уларда ижодкорнинг бетақор истеъдоди, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ва миллий руҳни юксалтириш йўлидаги фидокорона хизматлари ифода этилган. Ана шундай асарлардан бири сифатида таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг "Эркин Воҳидовнинг имзоси" рисоласи алоҳида эътиборга молик.

▼ Китобингизни ўқидим

Бар мени четроққа тортиб, аёвал қасидани роса мактади, кейин мен томонга бироз энгашиб, "Эркинжон, биласиз, сизга ҳурматим баланд, бир-икки жойиёа Ленин, Октябрь, Инқилоб деган сўзларни қўшини, зўр бўлади", деди. Тадбирларда қўришиб қолмайлик, деб ўзимни анча вақт чегга олиб юрдим. Йўқ, бўлмади, бир мажлисда ёнима-ён ўтириб қолдик. «Эркинжон, бизнинг тақлиф нима бўлди?» деб сўради. «Қўшишга харажат қилдим, аммо қофияга тушмаяпти», деб жавоб қайтардим. Энциклопедияга қотдикки...

Юқорида ўтирган раҳбарларни тушуниш мумкин: уларга айни шундай ишлари учун маош, муқофот берилади, амал пиллапояларидан юқорига кўтарилади. Аммо адабиётни дурустгина тушунадиган, шеърятдан хабардор «дўст»ларнинг «насихат»ларига чидаш қийин бўлади. «Ўзбекистонимиз ёзмалигим мумкин эмас эди. Олдинда мени нима-лар кутаётганини тасаввур қилганман, аммо қўлимдаги қалам иштиёри аллақачон қалбимга кўчган эди...»

Муаллиф нафақат ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни, балки бошқа ижодкорлар ва яқин инсонларнинг хотираларини ҳам умумий тарзда келтириб ўтиши орқали шоир сиймоси турли нигоҳлар кесилган нуқтада янада мукамил, жонли қиёфада гавдаланади. Ижодкорнинг турмуш ўртоғи Гүлчехра Воҳидованинг "Қалбим ардоғи" асарида "Ўзбеким" қасидасининг яратилиш жараёни, унинг илк қораламаси ва кейинчалик нашр этилган халқ орасида катта шов-шувга сабаб бўлгани ёдга олинади. Турли миш-мишлар, босим ва синовларга қарамай, қасида тез орада халқ қалбидан жой олади, машҳур ҳофизлар томонидан қўйлиниб, миллий ифтихор даражасига кўтарилади. Шунингдек, Ғулможон Ёқубовнинг ҳаёт синовларига бардош бериш ҳақидаги фикрлари ҳам ушбу манзарани тўлдирди. У инсонни асрайдиган куч – халқдан узилмаслик, ҳаётга муҳаббатни йўқотмаслик ва ҳатто оғир дамларда ҳам ҳазил-мутойибани тарқ этмаслик эканини эслаб ўтади.

Кимки менинг хизматимни қилса, унинг хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилсаю, кейин пўшаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим.

"Темур тузуклари" асаридан



▼ "Ҳақиқат чойхонаси"

Буюкларнинг рақами бўлмайди

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг янги чиққан китобларини энг аввал суюкли шоғирдларига совға қиладиган одати бор эди. Бир кун у янги чоп этилган китобга шундай дастхат битди: «Болаларнинг биринчи рақамли шоири Ҳамза Имонбердиевга ижодий ютуқлар тилаб...»

Шоғирд бундай дастхатдан ҳам ғурурланиб, ҳам ҳайратланиб секин сўрайди:

– Устоз, мен биринчи рақамли шоир бўлсам, унда сиз нечанчисиз?

Устоз пинак бузмай дарҳол жавоб беради:

– Буюкларнинг рақами бўлмайди!

Таъриф

Бир кун Анвар Обиджон кўл остида ишлайдиган бир ходима шундай таъриф берибди:

– Ўзи яхши йигит. Камтар, меҳнатқаш. Ҳужжатларни тушунади. Ўзида қолмаса, бировдан сўраб бўлса ҳам чекади. Туппа-тузук шоир бўлишига қарамай ҳалиям битта хотин билан яшаб келяпти.

Битта маошли суҳбат

Анвар ака оптириқлик бир қадрдони билан телефонда гаплашяпти:

– Ассалому алайку-ўм...

– Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокотух. Анавини қаранг, анавини қаранг. Анваржон, Анваржон! Ўзларими?

Анвар ака у кишининг сўзларини бўлдилар:

– Яхшиям маҳаллий линияда, халқаросида бўлганимизда бунақа салом-алиқнинг ўзига битта ойлик кетарди!

Т. ҲАСАНБОВ тайёрлади



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentkaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulkona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.

Bosishga topshirildi – 19.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-435.

8 378 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.